

Тонзилгон-н ва тонзилат препаратларининг яллиғланишга қарши таъсири

Б.С. Тўлаганов, З.Х. Абдужалилова, Х.У. Алиев
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Адабиётлардан маълумки Тонзилгон – Н препарати тиббиётда яллиғланишга қарши ва антисептик препарат сифатида кенг қўлланилади. Бу препарат ностероид яллиғланишга қарши препаратлар каби таъсирга эга ўсимликлар йиғмасидан иборат препаратдир. Унинг таркибига Ўрта Осиёда ўсадиган ва ҳалқ табобатида яллиғланишга ва пешоб хайдашга қарши кенг қўлланиладиган доривор ўсимликлар киритилган. Юқоридагиларни инобатга олиб Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликлар асосида Тонзилгон – Н препаратига ўхшаш Тонзилат препарати ишлаб чиқилди.

Ишнинг мақсади: янги ўсимликлар йиғмасидан иборат Тонзилат препаратининг экспериментал яллиғланишга қарши таъсирини ўрганишдан иборат.

Усуллар: ўсимликлар йиғмасидан иборат, Тонзилат препаратининг экспериментал яллиғланишга қарши таъсири 24 та массаси 151-185г ли лаборатория камамушларида ўрганилди. Экспериментал яллиғланиш модели ҳамма экспериментаторлар томонидан тан олинган флогоген моддалардан формалин ва гистамин ёрдамида юзага чиқарилди. 7 та ҳалқ табобатида кенг ишлатилиб келинаётган доривор ўсимликлардан иборат Тонзилат йиғмасининг эликсири тажрибадаги каламушлар флоген моддалар юборилишидан 30 дақиқа олдин оғиз орқали 5 мл/кг ва 10 мл/кг дозаларда оғиз орқали юборилди. Назорат гуруҳларидаги каламушларга мос равишда дистилланган сув юборилди. Назорат гуруҳида олинган натижалар 100% деб олинди ва тажриба гуруҳида олинган натижалар билан қиёсий солиштирилди.

Натижалар: ўрганилаётган Тонзилат эликсири 5 мл ва 10 мл/кг дозаларда формалин ва гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишларга қарши ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, формалинли яллиғланишни тажрибани 4 чи соатда мос равишда 21,9% ва 39,1 % и камайтирди. Худди шу шароитда гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишни Тонзилат эликсири 5 мл/кг дозаларда, 33,1 % га 10 мл/кг дозада эса – 42,2% га камайтирди.

Хулосалар: танзилот эликсири яллиғланишга қарши таъсир этади. Тонзилат эликсирини гистаминли яллиғланишга қарши таъсири уни формалинли яллиғланишга қарши бўлган таъсиридан анча юқори даражада юзага чиқади.